

# ҚУТЛУҒ ТОНГ САЛОМИ СЕНГА, ИСТИҚЛОЛ!

***Шонли байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!***

*Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.*

*Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир.*

*ИСЛОМ КАРИМОВ*

*Муҳаммад ЮСУФ*

## ЖАННАТЛАРДАН ГЎЗАЛ, ҲУР ЎЛКАМ...

Сизга қандай,
Билмадим-у, ман
Бешикдаги чақалоқдайман.
Дўстлар,
Оғиз тўлдириб—Ватан! —
Дея олмоқ ўзи бахт экан!

Энди тилим чиққандай гўё,
Энди юра бошлагандайман.
Қўлингни бер,
Эй, қадим дунё —
Кўзга суртгим келар нондай, ман.

Ватан!
Қандай сеҳрли куйсан.
Пойингда жон тиксам арзийди,
Сенинг учун ўтларда куйсам,
Дарёларда чўксам арзийди!

Йўлинг оққа йўйганим-йўйган,
Бахтиёрман кутлуғ онингда
Қийқириб ман —
Кўкракка тўйган
Тойчоғингдек турсам ёнингда

.Сен энгашиб
Ўпсанг юзимдан,
Мен ҳам сенга турсам эркалаб...
Қора қошим, қора кўзимдан
Сочимгача ўзингга ўхшаб!

Ўзбегойим — Меҳрибон онам,
Бешикларинг фарзандга тўлсин.
Жаннатлардан гўзал, эй ўлкам,
Истиқлолинг муборак бўлсин!

**1994 йил 30 август.**

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи аъзоларига, республиканинг барча йигит-қизларига

Азиз ёшлар, тенгдошлар!

Сизларни улуғ сана — она юртимиз истиқлолга эришган куннинг уч йиллиги билан самимий муборакбод этамиз.

Донишманд айтганидек, ҳар бир халқ ўз тарихини авайлаб келади, бу тарих неъматлари бўлмиш меросдан келажак сари илдам йўл босиш учун куч-қувват олади.

Халқ озодлиги учун қурбон бўлган миллий қаҳрамонлар жасорати, миллий равнақ учун жонбозлик қилган илм ва фан соҳибларининг фаолияти ҳар бир авлод учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Она-Ватанимиз шундай фарзандларни камол топтирган буюк алломалар юртидир.

Бизнинг вазифамиз эса аждодлар ишини давом эттириш, ўтмишдан мерос қолган қадриятларни авайлаб асраш, улардан юрт равнақи, келажаги баркамоллиги йўлида оқилона фойдаланишдир.

Қалби яратиш ишқи билан ёнган ёшлар ўзларининг қурултойида Президентимизнинг "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!" деган оташин даъватини шиор этиб қабул қилдилар. Шу фидокор қалб нидоси сўзлари ижросини амалда кўрсатиш — ҳар бир йигит-қизнинг муқаддас фарзандлик бурчи. Шундагина азиз Ватанимизнинг, бу муқаддас она-заминнинг келажаги буюк бўлади.

Сизларни миллий байрамимиз, юртимиз мустақиллик куни билан яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, омад ва ишларингизда улкан муваффақият тилаймиз. Ёшлик ғайрати ва шижоати сизларни бунёдкорлик ишлари сари чорлайверсин.

Улуғ айём — мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.**


***Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!***

# ТУРКИСТОН

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 31 август • Чоршанба • № 68 (14229) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

29 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатлари департаменти директори Антон Круидеринкни қабул қилди.

Суҳбатда БМТ билан Ўзбекистон ўртасида тобора ривожланаётган кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари атрофлича муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳаллий мутахассислар тайёрлаш, ишбилармонликни ҳамда хусусий секторни ривожлантириш, хусусийлаштиришни жаҳон талаблари асосида амалга ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашда техникавий ёрдам кўрсатиш борасидаги дастурларини маъқуллади.

Антон Круидеринк самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар тез орада ривож топишига умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

***Янги ўқув йили шу мавзудаги Мустақиллик дарси билан бошланади***




***Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Ватанимизда истиқомат қилаётган юртдошларнинг тенг ярмидан кўпи ёшлар. Уларнинг беш миллионга яқини 8963 мактабда таълим олаётир. 140 гимназия ва лицей, комплекс мактаблар, 80 та катталар таълим маркази, 49 та мактаб-боғ маърифат таратмоқда. Бу даргоҳда 500 мингдан зиёд педагог ходим хизмат қилаётир. Улар таълим бераётган навқирон авлоднинг 100 нафари Мирзо Улуғбек жамғармасининг, 18 нафари эса "Соғлом авлод учун" жамғармасининг стипендияларини олиб ўқимоқда. 55 нафар ўқувчи Америкога ўқишга жўнатилаётир. Республика олимпиадаси ғолиби бўлган 74 нафар йигит-қиз эса тест синовларисиз олий ўқув юртларига қабул қилинди.***

***Кутлуғ байрам шодиёналарига эш бўлиб кетадиган янги ўқув йили янада муборак ҳосилалар беришига шубҳа йўқ.***

## Ёш шахматчининг катта ютуғи

Тошкентлик шахматчи Рустам Қосимжонов навбатдаги мусобақадан олтин медаль билан қайтди. Ўн тўрт яшар спортчи бу юксак мукофотни Катар пойтахти — Дохада бўлиб ўтган ёшлар Осиё чемпионатида қўлга киритди.

Рустам Қосимжонов шу йил ёзда Венгрияда бўлиб ўтган ўсмирлар жаҳон чемпионатида бронза совринини олишга муваффақ бўлган эди. Венгриядан қайтгач, икки кундан кейиноқ Катарга учишга тўғри келди. Бу ерда қитъа ўсмирлари чемпионатининг биринчи босқичида 16 нафар шахматчи икки гуруҳга бўлиниб саралаш мусобақасини ўтказди. "Б" гуруҳида қатнашган Рустам 2-3-ўринларни бўлишиб, курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Рустам мусобақанинг якунловчи қисмида етти имкониятдан бешта хол тўплаб, барча ўйинчиларни ортда қолдирди. Ўзбекистонлик ёш спортчига эсдалик кубоги ва олтин медаль топширилди.

— Бу мусобақада ғолиб чиқиб, ютуқни ўз мустақиллигининг уч йиллигини байрам қилаётган республикамизга ҳадя қилиш орзум эди,— дейди Рустам Қосимжонов.— Мен бу ғалабамни давлатимиз ҳаётидаги ана шу шонли воқеага бағишлайман.

**Т. ГОЛУБКИНА,**
**ЎзА мухбири.**

*Ватандошлар қутлайди*

## МУҚАДДАС ТУПРОҚ ОБОДУ ФАРОВОН БЎЛСИН!

Азиз Ватанимни, унинг қаҳрамон халқини, истиқлол фидойиси бўлган муҳтарам Президент Ислом Абдуғани ўғилларини Мустақиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этаман!

Ота-боболаримизнинг табаррук ҳоки ётган муқаддас тупроқ тинчликда ва омонликда ободу фаровон бўлсин!

Яшасин Ўзбекистон миллий истиқлоли!

Аҳмад Али ТУРКИСТОНИЙ,
**Саудия Арабистони.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент!

Биз, Вашингтон университетининг 1994 йилда Ўрта Осиё тиллари ва маданиятини ўрганиш ёзги дастури муаллим ва талабалари Сизни ва қадим ўзбек халқини улуғ байрам — Мустақиллик куни билан чин юракдан табриклаймиз.

Ўзбекистон ҳақли равишда жаҳон маданиятининг ўчоқларидан саналади. Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли борлиги жуда улуғ ишдир. Чунки бировлар йўли билан эмас, ўз йўли, ўз кучи билан олға юриш муҳимдир. Ўзбекистон дунёда ўзига муносиб ўрин эгаллашига ишонамиз.

Уч йил — ғоят қисқа муддат. Ўзбек халқининг эса узоқ ва шарафли тарихи бор. Сизларда Ғарбдан илгарироқ демократия мавжуд эди. Жумҳурият Президентининг "Маҳалла" деб ном олган қадимий ижтимоий жамоа шаклини кучайтирадиган тадбирлар белгилагани бизга жуда маъқул бўлди. Инсоният тарихида бундай ижтимоий жамоа жуда ноёбдир. Оврупо ва Америка ҳам ундан ўрнак олса арзийди. Чунки у одамларни бирлаштиради ва эзгуликка чорлайди.

Ўзбек тилини ўрганаётган биз, америкаликларнинг дилимизда қадимий ватанингизга нисбатан эзгу тилаклар бисёр. Биз ўзбек халқининг тарихи, тили, маданияти ва санъатига қизиқамиз. Шоир ва олимлар ҳаётини ўрганиш ниятидамиз. Айни чоғда ўзбек адабиёти намуналарини таржима қилиш истагимиз ҳам бор.

Шундай қутлуғ кунда ўзбек халқига қалб сўзларимизни изҳор этмоқдан ғоят хурсандмиз. Ўзбек халқи мустақил, ҳур, ўз динига ва ижтимоий урф-одатларига содиқ давлат сифатида мангу собит туради, деб умид қиламиз.

**Сиэтлдаги Вашингтон университети Ўрта Осиё тиллари ва маданияти ёзги дастурининг бир гуруҳ муаллим ва талабалари.**

*Мустақиллик байроғи остида*

## ЖОНАЖОН ВАТАН ПОСБОНЛАРИ



**Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганининг уч йиллиги арафасида ЎзА мухбири республика мудофаа вазири, генерал-лейтенант Рустам АҲМЕДОВ билан учрашиб, бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилди.**

— Рустам Ўрмонович, маълумки, республикамиз Қуролли кучлари давлатимиз мустақиллигининг асосий омилларидан биридир. Ҳозир армиямиз қандай ишларни бажараётгани ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари — ўз халқининг ажралмас қисмидир. Ҳозирги кунда ёш мустақил давлатнинг армияси ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги, янги ташкилий-штатлар тузилмаларига ўтишга доир кундалик қизғин ишлар билан банд. Қуролли кучларни бошқариш тизими такомиллаштирилмоқда, ҳарбий таълим тизими қайтадан ташкил этилмоқда. Бу ишда муайян муаммоларнинг мавжудлигига қарамай, қуролли кучлар шахсий таркибнинг қизғин меҳнати қисмлар ва бўлинмаларнинг юксак даражадаги жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч турмушини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш имконини беради, деб айтиш мумкин.

**(Давоми 4-бетда).**

*Сийланганлар сўзласин*

## ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС...

Куни кеча ёруғлик кўрган Президент фармонига кўра Мустақиллик эълон қилинганининг уч йиллиги муносабати билан Ватаннинг қатор фидойи фарзандлари шарафли орден ва нишонларга мушарраф бўлдилар. Миллатнинг буюк адиби Абдулла Қодирий биринчи бўлиб "Мустақиллик" ордени билан тақдирландики, бу халқимиз, раҳбариятимиз бағоят оқибатли эканлигидан шаҳодатдир. Буюк адибнинг миллат озодлиги йўлидаги фидойилиги орадан йиллар ўтиб бўлса-да, тақдирланди.

Олий даражада сийланганлар орасида атоқли шоир ва адиблардан Зулфия, Одил Ёқубов, Шукрулло, Тўлапберган Қайипберганов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқалар бор. Биз уларни қутлаш баробарида кўнгил сўзларига қулоқ тутамиз, албатта.



*Одил ЁҚУБОВ:*

### АГАР АҲИЛ БЎЛМАСАК...

Мустақил давлатимиз ҳали гўдаклик палласида. Бизнинг олдимизда уни балоғатга етказиш, истиқлол пойдеворини мустаҳкамлаш каби улуғ ва масъулиятли вазифалар турибди. Шу ўринда буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг Юсуфбек Ҳожи тилидан айтган ва биз учун васият маъносини касб этган пурмаъно, улуғ сўзларни эслаш жоиздир. Ёдингизда бўлса, Тошкентда Азизбек ҳукмронлик қилган даврда "дашти қипчоқлар бизнинг душманимиз", деб юздан ортиқ кишилар қиличдан ўтказилган эди. Шунда Юсуфбек Ҳожи кўзига ёш олиб, агар бизда шундай ноаҳиллик давом этса, азиз тупроғимиз кофирлар оёғи остида топталади, элимиз хонавайрон бўлади, деб айтади.

Яқинда мустақиллик байрамини нишонлаш комиссиясининг мажлисида улуғ ёзувчимизнинг ана шу сўзларини йиғилганларга эслатдим ва байрам концерт дастурига Юсуфбек Ҳожи моналогини киритишни таклиф қилдим. Моналог концерт дастурига киритилди. Халқимиз мустақиллигимизнинг уч йиллигига бағишланган ажойиб тўйу тантанани томоша қиларкан, шу қимматли сўзларни эшитадилар ва ёзувчимизнинг нақадар ҳақ эканлигига имон келтирадилар.

Мен улуғ адибимизга мамлакатда биринчи бўлиб "Мустақиллик" ордени берилганлигини эшитгач, халқимизнинг шу ёруғ кунларга етиб келгунча босиб ўтган бутун тарихини хаёлдан ўтказдим. Амир Темурдек аждодларимизнинг бунчалик қадр топиши, Қодирийлар жасоратининг тақдирланиши истиқлол туфайли, халқимизнинг меҳр-оқибатлилиги туфайлидир.



*Абдулла ОРИПОВ:*

### "ОНАМДЕК МЕҲРИБОН, МУНИС..."

Дунёда ҳар бир сийловнинг ўз қадри, ўз обрўси бўлади. Ҳар кимга ҳам муроди ёр бўлиб, ўз меҳнатининг баҳосини кўриш насиб этсин. Бироқ биз бир гуруҳ ёзувчиларга насиб этган мукофотлар мутлақо бетакрор, тарихий аҳамиятга эга, деб биламан. Чунки бу мукофотлар халқимиз неча-неча даврлар орзу қилган мустақилликнинг илк мевасидир.

Бошига оғир кун тушган одам шодликнинг қадрига етади. Халқимизнинг бошига мутелик, қарамлик тушганлигини бутун жаҳон билади. Биз бир пайтлар масхараомуз даврларда яшадик. Мана энди мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз, тилимизнинг тикланаётгани бизни беҳад қувонтиради. Илгари мажлисларда бирор киши ўзбекча гапирса, жоҳил одамдек кўринарди. Буюк адабиёти, буюк маданияти бўлган халқ шундай аҳволга тушиб қолган эди.

Бугун мустақиллигининг уч йиллигини катта тантаналар билан нишонлаб турган мамлакатимиз дунё аҳлининг назарида турибди. Истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаган эканмиз, энди манзилни жуда ҳам узоқдан кўзлашимиз керак.

**Диёрим Ўзбекистондур ки андин ифтихорим бор,**
**Демакким ҳур, адолатлиғ давлати барқарорим бор,**
**Онамдек меҳрибон, мунис Ватан бир ғамгусорим бор,**
**Ватандан айру кўнгилни билингки. яйратиб бўлмас,**
**Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.**

*Эркин ВОҲИДОВ:*



### ВАТАН — БУ ЎЗБЕКИСТОНДИР

**Жаҳонда мен туғилган**
**Ўлкадек ҳеч бир диёр бўлмас,**
**Бу янглиғ боғу гулшан**
**Ҳам бу янглиғ гулузор бўлмас,**
**Ватан севмақдин ортиқ**
**Менга оламда шиор бўлмас,**
**Ватан ишқида ёнган қалб**
**Билингки, асти хор бўлмас,**
**Ватан севган муродига**
**Етур, ҳеч дилда зор бўлмас.**

Хорижий сафарлар чоғида мен шунга амин бўлдимки, хорижда яшаётган ҳар бир ўзбекнинг қонида ўз Ватани меҳри жўш уриб турибди. Ўзбекитсонлик йигит-қизлар мени кечирсинлар,— баъзиларимиз юртимизда яшаб туриб, унинг қадрини билмаймиз,— мен кўриб суҳбатлашган ватандошларнинг Ўзбекистонга муҳаббати чексиз эканлигига амин бўлдим. Одатда, киндик қони тўкилган жойни Ватан дейдилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮБИЛЕЙ ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаш юзасидан 1994 йил 1 сентябрдан ҳар бирининг қиймати 10 сўмлик иккита юбилей тангаси муомалага чиқарилади.

Оқ рангдаги, қиймати 10 сўмлик юбилей тангаси Ag 99,9 пробали, вазни бир унция — 31,103 граммдан иборат кумушдан тайёрланган. Сариқ рангдаги юбилей тангаси мис-никел қотишмасидан тайёрланган бўлиб Au 99,9 пробали олтин (10 миллиграмм) билан қопланган, вазни 28,28 граммдан иборат.

Юбилей тангалари диаметри 38,6 миллиметрли доира шаклида бўлиб, юз ва орқа томонида айланасида бўртиқ ҳошия бор.

Юбилей тангаларининг юз томонида Амир Темурнинг Тошкент шаҳрида ўрнатилган ҳайкали тасвирланган, юқори қисмида "Toskent" ёзуви бўлиб, икки томонидан нуқта билан ажратилган. Қуйи қисмида ҳайкал айланаси бўйлаб "AMIR TEMUR HAYKALI" ВА "10 SOM" ёзувлари бор.

Юбилей тангаларининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири жойлашган, "OZBEKISTON MUSTAQILLIGININ 3 YILLIGI" ва "1994" ёзуви бор. Танганинг бутун айланаси бўйлаб нақш солинган.

Юбилей тангаларининг бўртган қисмлари тарам-тарам чизиқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилаётган юбилей тангалари чекланган миқдорда бўлиб, нумизматик қийматга эга ва кимошди савдоси орқали ўз қийматидан юқори нархларда сотилади.









# ТУПРОҒИ ЗАР, МАЪДАНИМ МАНИМ,

Энг янги тарих зарварақлари

Инсон умрида шундай кунлар бўлади-ки, у ўша кунни умрининг энг сўнгги дақиқаларига қадар орзиқиб, интиқиб, ички бир соғинч ва фахр билан эслаб юради. Яна шундай бир кунлар бўлади-ки, ёдга тушса, юракда бир оғриқ уйғотади. Агар иложини топсанг ўшандай кунни хотирангдан ўчириб ташлагинг келади-ю, минг афсуслар бўлсин-ки, бунинг иложи йўқ...

Агар юқоридаги нисбатни нафақат бир инсон, балки бир бутун халққа ишлатсакчи?

Худди инсонда фахр ва ёки нафрат билан эслангувчи кунлар бўлганидек, халқ тарихида ҳам ёруғ ва ёрқин кунлар билан бир қаторда, қаттол ва қора кунлар ёнма-ёндир. Ана шундай ёруғ, тоабад ўзбек халқининг ёдидан чиқмайдиган кунлардан бири — 1991 йилнинг 31 августидир. Худди шу кун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, оламшумул қарорни — "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги тарихий Қонунни



**Эркин ШАЙХОВ,**
**Ўзбекистон халқ депутати**

## ОРЗУ-УМИДЛАРГА ЭЛТГУВЧИ ЙЎЛ

**Биринчи мақола**

қабул қилди.

Энг олий неъмат — ўз давлатчилигини тиклаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари қаторидан муносиб ўринни эгаллаш неча авлод ва аждодларимизнинг улуғ орзуси эди.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: "Тарихимизнинг оғир ва машаққатли саҳифаларини эслайлик. Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-тарожлар кечмади!.. Мустақиллигимиз пойдеворига халқимизнинг бошига тушган оғир кунларда қатағонларга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйган... Бир сўз билан айтганда, мустақиллик, ҳуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, ҳаёти, иймони, виждони билан ўлчанади".

Энг янги тарих бу пурмаъно сўзларнинг нақадар адолатли эканлигидан шоҳидлик беради. Бунинг учун чор Россиясининг Марказий Осиёни истило қилиши, "қизил империя" қатағонларини эслашнинг ўзи кифоя.

Лекин қурбонлар, бегуноҳ тўкилган қонлар зое кетмади. Не бахтки, халқимиз қалбининг энг тўрида асраб келган пок ва ёруғ умид — Истиқлол нашидасидан баҳраманд бўлиш сиз билан бизга насиб этиб турибди.

Албатта, давлат мустақиллигини эълон қилиш билан у ёки бу мамлакат дарҳол эгамен бўлиб қолавермайди. Нафақат сиёсий, балки иқтисодий, ҳарбий, маънавий соҳада мустақилликка эришиш мураккаб жараёндир.

"Мустақилликнинг... — деб уқтирган эди И. А. Каримов, — маъноси жуда оддий. Мустақиллик дегани шуки, бизлар, асрлар оша бировларнинг оғзига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, ҳаётимизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа — шу буюк неъматни қўлдан бермаслик. Биз бугун она-Ватанимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, ҳар бир оиланинг турмуш тарзини ўзгартириш ва юқори даражага кўтариш, фарзандларимизнинг бахтли келажагини яратиб бериш имкониятига эгамиз. Агар бу имкониятни қўлдан бой берсак, бизни асло кечириб бўлмайди. Қисқача айтганда, мустақиллик авваламбор иқтисодиётимизни юксалтириш, шу заминда ҳар бир оила ва инсонни фаровон, эркин ҳаётга етказиш, шу мақсадда келажагимизни қуриш учун керак".

Мустақилликни мустаҳкамлаш, туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, маънавиятни юксалтиришнинг илмий жиҳатдан чуқур асосланган дастурлари Президентимизнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари", "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" ва бошқа асарларида ҳар тарафлама кўрсатиб берилган. Уларда қуйидаги ғоялар илгари сурилади;

— мустақилликни мустаҳкамлаш, бунинг учун халқимизнинг миллий бирлигини таъминлаш;

— давлатимизни мустақиллик талабига яраша қайта ташкил этиш: унинг янги тизимини вужудга келтириш, демократияни ривожлантириш;

— бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, бу ўтишни ижтимоий ларзаларсиз таъминлаш;

— сиёсатни, бозор иқтисодиётини юритишда республиканинг иқтисодий, илмий-техникавий имкониятларини чуқур таҳлил этиш ва ҳисобга олиш;

— Ўзбекистон Республикасида 129 миллат, элат вакиллари яшаб келаётганини, уларнинг ҳар бирига тенг ҳуқуқли, тенг имкониятни яратиб бериш, ўз келажагига хотиржам бўлишини таъминлаб бериш, миллий низоларга йўл қўймаслик, миллий тотувлик ва бирликни таъминлаш;

— Марказий Осиёда минглаб йиллар давомида яшаб келаётган халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, бунинг учун бу халқларнинг тарихий илдизлари, маданияти, тили, урф-одатлари, тақдири, бугунги аҳволи бир хил эканлигини ҳисобга олиш, бу минтақада жойлашган мустақил давлатлар ҳамкорлигини вужудга келтириш, улар ўртасида ўзаро иқтисодий, маданий, савдо, сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон давлати миллий хавфсизлигини Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигининг таркибий қисми деб қараш;

— Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан, хусусан Россия Федерацияси билан турли алоқаларни ўзаро манфаатдорлик асосида сақлаб қолиш ва ривожлантириш;

— хорижий давлатлар билан иқтисодий, савдо, маданий, илмий-техникавий ҳамкорликни ўзаро манфаатдорлик асосида вужудга келтириш ва ривожлантириш;

— демократия тамойилларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Қонунларига, умуминсоний қадриятларга, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, инсон ҳуқуқи ва эркинлигига риоя қилиш;

— халқимизга муносиб ижтимоий ҳаёт яратиб бериш;

—маънавиятни тиклаш;

— Ўзбекистонни келажаги буюк давлатга айлантириш;

— Ўзбекистон демократик давлати олдида турган иқтисодий стратегия-республикани бозор иқтисодиётига босқичма-босқич олиб ўтиш, мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишига эришиш, иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда якка ҳокимликка барҳам бериш, инсон ҳақида ижтимоий ғамхўрлик қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, юксак самара берадиган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш ва бу маҳсулотни хорижий мамлакатларга сотиш, халқаро капиталга қулай шароит яратиб беришдан иборатдир.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини аниқлаб олди. "Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоғда бирон-бир андозадан, хатто у муайян мамлакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номақбулдир", — деб таъкидлаган эди Президентимиз И. А. Каримов.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республиканинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинадиган, Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келгуси тараққиётига тўла-тўкис мос келадиган мутлақо янги андова, ё ўзига хос йўл зарурлиги шубҳасиздир.

Энг аввало, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўтмишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Гап шундаки, 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон марказга хом-ашё етказиб берувчи ва марказда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар учун қулай бозор сифатида сақлаб келинди. Катта иқтисодий, илмий-техникавий имконият ва бойликка эга республика иқтисодий жиҳатдан марказга қарам эди. Бунинг устига, республиканинг асосий бойлиги — пахтага ўрнатилган давлат харид нархи жаҳон бозоридаги нарх-наводан бир неча марта паст эди. Бу эса деҳқонлар аҳволининг оғирлашишига олиб келганди.

Ўзбекистон, масалан, 1988 йили четдан 3742 минг тонна кўмир, 1,608 минг тонна қора металлар прокати, 1,771 минг кубометр ёғоч-тахта, 825 минг тонна цемент, 109 минг тонна қоғоз, 1,611,1 миллион сўмга озиқ-овқат маҳсулотлари, 180,9 минг тонна гўшт, 1422,9 минг тонна сут, 149,2 миллион дона тухум, 441,1 минг тонна қанд-шакар, 3,984,4 миллион сўмга озиқ-овқат моллари (газламалар, тикувчилик буюмлари, пойабзал, мебель, енгил автомобиллар ва бошқалар) олган эди.

Аҳолининг фақат озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида 1994 йилнинг ўзида республика бюджетидан 1 миллиарддан ортиқ Америка доллари ажратишга тўғри келди.

Бу собиқ марказнинг "ягона халқ хўжалиги мажмуи", "ягона режа" каби мустамлакачилик сиёсатининг натижаси бўлиб, мустақил давлатимизга қўшимча қийинчиликлар туғдирди.

Тайёр маҳсулотларга, шу жумладан, озиқ-овқат молларига бўлган эҳтиёжимизни қондиришда ҳам, ишлаб турган ва янги қурилаётган заводу фабрикаларни дастгоҳлар ва ускуналар билан жиҳозлашда ҳам собиқ марказга қарам эдик. Негаки, республикамизга мол олиб келиш ва олиб чиқиш йўллари ҳам, коммуникациялар қуриш сиёсати ҳам худди шу мақсадга мослаштириб қўйилган эди.

Республикамиз мана шу оғир иқтисодий инқироздан чиқиш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимизга муносиб турмуш яратиб бериш, ватанимизни келажакда буюк давлатга айлантириб иқтисодий тараққий топган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнига эга бўлиши учун энг мақбул йўл бу бозор муносабатларини шакллантиришдир.

Бозор иқтисодиёти умумбашарий ҳодиса бўлиб, жаҳон цивилизацияси ривожланиш йўлидаги муқаррар босқичдир. Тартиб асосига қурилган бозоргина ҳозир халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини рўёбга чиқаришга, текинхўрликни тугатишга, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга, манфаатдорлик, унутиб юборилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклашга қодирдир.

Шу маънода Президентимизнинг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги машҳур Фармони беқиёс катта аҳамиятга эга бўлди. Бу Фармон мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичига ўтилганлигини англатади. Лўнда қилиб айтганда, унинг аҳамияти қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, у мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада юксак босқичга кўтарди, уларга янгича сифат йўналишларини ва кафолатларини берди.

Иккинчидан, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш ва уни ҳимоялаш, мулкнинг барча шаклларидаги ҳар бир корхона ҳамда ишбилармонларнинг тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш учун янги имкониятларни очади.

Учинчидан, бизнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларимизни кенгайтиради, чет эл сармоялари учун юртимизга йўл очади, уларга ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар беради, пировардида Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ва имкониятларини кескин кўпайтиради.

Шу билан бирга бу фармон миллий валюта обрўсини кучайтиради, бир сўз билан айтганда эса, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширади.

Тўртинчидан, у яқин келажакда маъмурий-буйруқбозлик замонидан қолган барча тўсиқларни бартараф этади, шу баробар, иқтисодий ҳаётимизга эркинлик бахш этади.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн бешинчи сессиясида сўзлаган нутқида бизда жамиятни янгилашни биринчи навбатда қишлоқ хўжалигидан бошлаш кераклигини алоҳида таъкидлади. "Агар биз мақсадимизга — фаровонликка эришмоқчи бўлсак, — деди Ислом Абдуғаниевич, — агар ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали халқимизни тўлиқ таъминлагувчи бўлсак, иқтисодий ислоҳотни энг аввало, қишлоқдан бошлаш керак"...





Арафа қувончлари

## УЛАР МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИДА ҚАТНАШАДИЛАР



### 2. "ОРЛЁНОК"ДА БИР СОАТ

Ҳа, бор йўғи "Орлёнок"да бир соат бўлдим. Аммо шу қисқа вақтнинг ўзиёқ тасаввуримни анча бойитди. Оромгоҳ Тошкент шаҳар трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли. Бу ерда болалар соғлиқларини мустаҳкамлашади, ҳордиқ чиқаришади. Ёзги таътилда, албатта. Бошқа пайтда эса оромгоҳ санаторий-профилакторий ролини ўтайди. Бошқарма ишчи-хизматчилари дардларидан фориғ бўладилар. Бу ерда касалликни даволаш учун барча имкониятлар мавжуд. Шунингдек, беморнинг соғлигини тиклаши ва мустаҳкамлаши учун ҳам. Бу хайрли ишда санаторийнинг бош врачи Ойпошшохон Садриддинова бош-қош.

Айни кунларда ҳам опанинг ташвиши етарли. Болаларнинг соғлиқларини кўздан кечирадилар. Зарур кимсаларга маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатадилар. Шунинг учун бўлса керак, оромгоҳда кунлар қувноқ ва шодон ўтмоқда. Болаларнинг қувноқ чеҳраларини кўрган диллар эса яйрамоқда.

Мустақиллик байрамида иштирок этадиган бу ўсмирлар кечаю-кундуз тиним билишмайди. Бирор дақиқа йўқ-ки, ўз чиқишларини ўйламаган бўлишсин. Ҳаммаси байрамнинг бекаму кўст, хатосиз ўтиши учун.

Қорақалпоғистонлик мактаб ўқувчиларининг бошлиғи, бадиий ҳаваскорлар бош балетмейстери Зибаш Пирлипесованинг ҳам ташвиши етарли. Биз ўша куни у кишини бир гуруҳ рақкосалар даврасида учратдик. Миллий либослари ўзларига ярашиб турган бу қизлардан кўз узиш қийин.

Фарғона вилояти бадиий ҳаваскорлик ансамблларининг вакиллари ҳам оромгоҳнинг сўлим гўшаларида тайёрланишмоқда. Вилоят маданият ишлари бошқармаси бош балетмейстери Гулчеҳра Жалолованинг айтишича, байрамга болалар астойдил ҳозирлик кўришяпти. Мақсад Мустақиллик майдонида йиғилганлар орасида уялиб қолмаслик. Ахир Фарғона ўз ҳаваскорлари билан ҳамиша фахрланиб келган. Бу гал ҳам шундай бўлиши шарт.

Мустақиллик байрами. Унга ёшу қари ўз ҳиссасини қўшгиси келади. Шу ниятда туну кун ором билмайди. Ўзбекистон ҳам мана шунақа аҳдига вафодор кишилари билан улуғланса, не тонг.

СУРАТЛАРДА: Қорақалпоғистон ва фарғоналик ҳаваскорларнинг бадиий чиқишларидан лавҳалар.

**Матн ва суратлар муаллифи**
**Муҳаммад АМИН.**

---

**Иброҳим ҒАФУРОВ**
**Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати**

Уйғоқ сўз

## ЮКСАЛИШГА ЧОРЛАЁТГАН ФАСЛ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ўй-хаёли ёшларда. Истиқлол дунёсида. Истиқлол дунёсининг уфқларида. Тарихда камдан-кам бўладиган бир улуғ жараён кечяпти: унинг ўйлари халқнинг ўйларига, унинг орзулари халқнинг орзуларига айланяпти...

Ҳа, Ўзбекистон янги тузум, янги ижтимоий давр, янги келажакка қадам қўйди. Неча асрлар, неча-неча азиз ўғлонлар хаёл қилган мустақил давлатчилигимизни яратиш йўлига кирдик.

XX асрда мустақилликка эришган барча мамлакатлар сингари Ўзбекистон ҳам залварли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ўзгариш, синов босқичларидан ўтмоқда. Бу теран тарихий жараён ва унинг ўз қонуниятлари бор. Бу қонуниятлар ҳозирда яшаётган авлоднинг кўз ўнгида содир бўлаётгани ва ҳаммамиз унинг иштирокчилари, ҳаракатдаги соҳиблари эканлигимиз диққатга сазовор ҳодисадир.

Бир тузумдан сифат ва моҳият эътибори билан бутунлай фарқланадиган иккинчи тузумга ўтиш дунё мамлакатлари тарихида ҳеч қачон кучли ижтимоий ларзаларсиз — революцияларсиз ва демак, оғир қон тўкишларсиз ўтмаган. Биз давлатимизнинг мустақиллигини Президент тимсолида жаҳонга маълум қилган чоғда олдимизда шу жараён ва унинг тарихий қонунияти кўндаланг турарди. Лекин, Президент шундай бир сиёсий йўлни танладики, охир-оқибатда у ўша машъум қонуниятни синдирди. Унинг эскириб. анахронизмга айланиб қолганлигини жаҳон кўз ўнгида исботлаб берди. Янги иқтисодий тузумга ларзаларсиз, тадрижий такомил йўли танланди. Аслида бу йўл ҳам текис ва осон эмас. Жисмоний турмушимизда ларзалардан сақланолдик, лекин уларнинг кучи миллий онг устига тушди. Онгимизнинг узоқ йиллик тоталитаризм занжирлари ва инстинктларидан халос бўлиши қийинчиликлар ичида кечмоқда. Тараққиёт йўлимизда дуч келаётган қийинчилик ва мураккабликлардан қўрқиш оқибатида ўтмишни қўмсаш ҳоллари кузатилмоқда. Таназзуллар ичида яшашга ўрганиб қолган онгимиз ўз эркига ўзи эга бўлиб, шу асосда муносиб ҳаёт кечиришни тўла ўзлаштириб ололгани йўқ. Ҳаётимиздаги маънавий-маданий ларзалар ана шу жараён билан чамбарчас боғлиқ. Лекин бизнинг танлаган йўлимиз бу жараёнлардан оғир талофатларсиз ўтиш имконини беради. XX асрнинг охирги ўн йилида бошқа йўллар эмас, фақат шу йўл — цивилизация ва инсонпарварлик йўли мустақилликка янги эришган давлат учун энг тўғри ва мақбул эканлигини исботлади.

ШУ ЙЎЛ БОИС ЎЗБЕКИСТОН жаҳон мамлакатлари иқтисоди, маданияти, илм-маърифати билан чамбарчас боғланиш жараёнларига кирди. Ўзаро тенг манфаатдорлик асосида кенг алоқалар ўрнатиш қанчалар самарали эканлигини ҳозирда ҳар биримиз кўриб турибмиз. Ажабмаски, биз танлаган йўл жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. Ўзбекистонга, унинг меҳнаткаш зиёли халқига, келажагимизга ишонч уйғотди.

ШУНИСИ ҲАМ БОРКИ, феодализмдан капитализмга ўтиш кўп синовлар ва тажрибалардан ўтган. Лекин коммунизмдан эркин бозор иқтисоди ва демократик тараққиёт йўлига ўтиш тажрибалари бизнинг авлод зиммасига тушди. Шунда бизнинг ўз инсоний имкониятларимизни эркин намоён қилишга тайёр эмаслигимиз маълум бўлди. Бизгина эмас, Европа ва Россиянинг қанчадан-қанча етук ақл эгалари — сиёсатдонлар, иқтисодчилар, публицистларни ҳам бу қайта бунёд бўлиш жараёни ғоятда шошириб қўйди. Биз эса ишни ўз мустақил давлатчилигимиз қонунларини яратишдан бошладик. Айни бир пайтда барча йўқотган, бой берган миллий анъаналаримиз, тарихий, меросий қадриятларимиз, миллий мафкурамизни тиклаш, қайта бунёд этишни қатъий изга қўйдик. Озгинагина тарихий бир фурсатда мамлакатимизнинг қиёфаси ўзгарди. Шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар янгиланди. Мамлакат яхши томонга ўзгарар экан, албатта, одамлар ҳам ўзгаради. Эркин мунаввар муҳит одамлар қиёфаларини ҳам мунаввар қилди.

Мен шундай ақлий-иқтидорий мунавварлик аломатларини, айниқса, ёшларимизда, мурғак ўғил-қизларимизда кўрганда, мамлакатнинг камолига ишончим яна юз карра ортади. Ўзбекистон ёшлари олдида илгари ҳеч бир авлодга насиб қилмаган ўсиш, ўз бахт-саодатини эркин қуриш имкониятлари очилди.

МЕН ЁШЛИКНИ жасорат билан олға интилаётган пиёдага ўхшатгим келади. Шижоаткор пиёда ҳадемай руҳ ҳам бўлиши мумкин, от ҳам, фил ҳам, фарзин ҳам бўлиши мумкин. Бунда пиёдага журъат билан бирга кордонлик, ақл-идрок, стратегик ва тактик маҳорат ҳам керак!

Шунга ишончим комилки, ёшларнинг жасоратига ақл ва маърифат, кордонлик ва ирода, собитқадамлик ва матонат қўшилганда, улар ҳеч шубҳасизки, ўзлари ва жонажон ватани учун энг зарур иш ва юмушларни муваффақият билан адо этишликка қодир бўладилар.

ВАТАН ТАҚДИРИ ўз қўлига теккан ёшлар она юрт ишига лоқайд, бепарво бўлишларига асло ҳақли эмаслар. Ватанни ва унинг тақдирини жон ичра жон, қон ичра қон деб билмагунча ҳақиқий жонфидолар юзага чиқмайди.

Биз миллионларча ёш ўғил-қизларни ватан фидокорлари қилиб тарбияламагунча қаноатланиб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Президент айтганидай, мамлакат ва унинг мустақиллиги ана шу миллионларга суянади. Ана шу миллионларнинг сайъ-ҳаракатлари билан мамлакат кучга киради, шан-шукуҳ ва шарафга эга бўлади.

Жаҳон цивилизациясининг муносиб вакилига айланади.

ЎЗБЕКИСТОН цивилизацияси шундай фидокор ёшлар билан бунёд бўлади. Яна қайтараман: шундай ёшлар Ўзбекистоннинг тираги ва суянчига айланадилар. Ҳа, Ўзбекистон уларга таянади. Ўз истиқболини уларда кўради.

Кейинги пайтларда миллий мафкурамиз ҳақида хилма-хил фикрлар ва қарашлар ўртага ташланмоқда. Буни ижобий ҳол деб қарамоғимиз керак. Балиққа тоза сув қанчалик керак бўлса, бизнинг жамиятимизга ҳам миллий мафкура тушунчалари шунчалар зарурдир.

Мен ҳозирги замонда соғлом фикрли бўлиш, соғлом фикр юритиш асосий ҳаётий ва инсоний ақидамизга айланишини истардим. Юртбоши бизга шундай фикр намунасини кўрсатмаяптими?

Америка прагматизми билан Америка бўлганлигини унутмайлик.

Ҳозир шунга амин бўлдикки, энг оддий ишларда ҳам соғлом фикр ютиб чиқади, энг мураккаб, чигал ишларда ҳам соғлом фикр ғалаба қилади. Ҳаётда жуда кўп мушкул муаммолар жуда оддий ҳал бўлишига гувоҳ бўлганмиз. Ҳаёт оғир, мураккаб схемаларни эмас, оддий, содда, тўғри ечимларни ёқтиради ва ёқлайди. Тўғри ва оддий ечимлар эса фақат ва фақат соғлом фикр юритгандагина юзага чиқади.

Тарих саҳифалари сўйлаб турган не-не қонли фожиалар, миллий низолар, диний-ирқий худбинликлар, мумтозлик манфаатпарастликлари ва улар туфайли юзага чиққан урушлар — булар ҳаммаси, назаримда соғлом фикр йўқотиб қўйилганлигининг тўппа-тўғри оқибатидир.

Аксинча, қаердаки соғлом фикр ғолиб ва устивор экан, ўша ерда миллий кучлар бирлашиб ватан манфаатлари йўлида ажойиб муваффақиятлар қозонаётганликлари кўзга ташланади.

СОҒЛОМ ФИКР тарбия топганда, ёшлар мамлакат равнақи учун ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиш, ҳисобдон бўлишга ўрганиб оладилар. Биз эндиликда моддий ресурсларимизнигина эмас, ақлий, маънавий, салоҳий бойликларимиз, бутун яшаш шароитларимиз, табиий муҳитимизни ҳам жиддий илмий ҳисоб-китоб қилишга одатланамиз. Соғлом фикрнинг боши ҳам шу: ҳисоб-китоб! Ҳисобини билмаган одамнинг бири икки бўлмаганидай, ҳисобини қилмаган мамлакат ҳам жаҳон рақобатига қобил бўлмайди. Ҳисобини билмаган хонадонни тартибсизлик кемириб ётади.

Ёшларимиз замонавий юксак саноатлашган ва цивилизациялашган ҳаётнинг қанчадан қанча ўзлаштирилмаган соҳаларини мукаммал эгаллаб олишлари энг муҳим вазифларимиздан бўлиб турибди. Зотан, Ўзбекистон ўн йил ичида замонавий юксак саноатлашган мамлакатга айланади. Маъруф ишчилар, зиёлилар ва маъруф деҳқонлар мамлакати!

Комил ишонч билан айтаман: Ўзбекистон ҳар қачон комил иқтидорларни рўёбга чиқариш йўлидан боради. Кишилик учун муносиб ҳаёт ана шундагина қурилади! Буларни баландпарвоз гаплар деб тушунманг. Албатта, муҳитимизда камчиликлар, ечилмаган масалалар мавжуд.

Ижтимоий фаоллик айнан ёшларга нисбатан олиб қараганда, бу энг аввало кашфиётчилик, ҳаёт ва ижтимоий муҳитни маҳорат билан қуришдир. Ёшларда кашфиётчилик руҳини мен ҳаётни юксалтиргувчи қудратли куч деб биламан. Улар ҳаётни тинимсиз бир поғонадан иккинчи поғонага кўтариб боради.

Атрофимизга зийрак назар солиб яшашга ўрганайлик. Илғор мамлакатлар ёшлари қандай? Очиғини айтай, уларнинг мияси компьютер бўлиб кетган. Тафаккур учун яхши шароитлар яратилган. Кашфиётчилик ҳар томонлама ривож топган.

ЎЗБЕКИСТОН таълим дастурларида ёшларнинг кашфиётчилиги, илм-ҳунарда моҳирлиги, дунёга соғлом фикр, соғлом мафкура билан қараши асосий ўринда туриши жоиздир.

Ёшларимиз ҳозирги замон иқтисодининг барча соҳаларида омилкор ва ишбилармон бўлишларини ва энг муҳими, ишбилармонликни ватанпарварлик ва инсонпарварлик билан қўшиб олиб боришларини орзу қиламиз. Бойлик кетидан қувиш равнақ кетидан қувишга тенг бўлганда, бу чинакам олижаноб иш бўлади.

Биз яна ёшларимиз фундаментал фан соҳаларини кучли эгаллашларини, кашфиётчилик руҳини қўлдан бермасликларини орзу қиламиз. Биз ҳозирда илғор Ғарбга шогирд тушишдан бўйин товламайлик. Ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам кўпгина Ғарб олимлари Фарғоний, Ибн Сино, Форобий, Беруний, Хоразмий, Улуғбекларга шогирдликни ўзларига фахр билганликларини унутмайлик.

Худди шунингдек, замонавий спорт турларини эгаллаш, жасорат, жўмардлик, ҳарбий лаёқатларни тарбиялаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Ўзбекистоннинг ҳарбий ва спорт шуҳратини кўтариш тўлалигича ёшлар зиммасига тушади.

ДЎСТЛАРИМ! Қайси соҳада ишламанг, Ўзбекистон шуҳрати кўз ўнгингизда машъал бўлиб турсин. Халқ ўз мамлакатининг шуҳрати, шон-шавкати учун курашсагина ва буни ҳар нарсадан ортиқ билсагина, у мамлакат ҳеч қачон саодатини йўқотмайди.

